



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2013 йил 16 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

№ 241 (12.552)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Фестиваллар

## БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Уни ўтказишдан қўзланган мақсад — юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятларни тарғиб этиш, уларда ватанпарварлик, фидойилик хислатларини янада кучайтириш ҳамда барча ёшларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида бирлаштиришдан иборатдир.

— Мустақиллик шундай улғунёмакки, унинг шарофати билан бугун биз тинчлик ва хотиржамликда, оиламиз даврасида фаровон ҳаёт кечиряпмиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши раиси Ихтиёр Зиёдуллаев. — «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» фестивали давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ҳамда концерт дастурлари шаклида ўтказилмоқда.

Республика тарғибот гуруҳи аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари, ўзбек театр ва кино санъатининг намояндalarидан иборат бўлиб, тарғибот гуруҳлари жойларда ёшлар билан учрашиб, юртимизда амалга оширилаётган улкан ис-

**Мазкур шиор остидаги ёшлар фестивали мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон ёшлари учун катта шодиёнага айланди. Жорий йил ҳам ушбу анжуман республикамиз, шу жумладан пойтахтимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ташкил этилди.**

лохотларни ўз ютуқлари мисолида сўзлаб бердилар.

Ёшлар фестивали Юнусобод туманида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Тумандаги 70-умумтаълим мактабида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Ўқувчиларнинг ижодий ишларидан иборат кўргазмалар кўпчилиكنинг эътиборини тортди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова ва бошқа тарғибот гуруҳ аъзолари билан ўтказилган ижодий учрашув иштирокчиларга мустақил диёрнинг бахтли фарзандлари эканликларини хис этиш имконини берди, десак янглишмаган бўламиз.

Фестиваль тумандаги Тошкент радиотехника, Тошкент туризм касб-хунаро коллежлари, Тошкент Ахборот технологиялари универси-

тети қошидаги академик лицейи, 235, 97-умумтаълим мактабларида ҳам қизиқарли тарзда ўтди. Тадбир давомида Ўзбек миллий академик драма театри артистлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари, Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бўлими маданият уйлари санъаткорларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Ўйлаймизки, ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни яратилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланишга, диёримизни кўз қорачигидек асрашга ундайди.

**Зиёда РАСУЛОВА**  
**СУРАТЛАРДА: ёшлар фестивали мана шундай кўтаринки руҳда ўтди**

Ислом Исмоилов олган суратлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2013 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Оила, Жиноят кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонуннинг асосий қридалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ тайёрланган.

Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар судлар фаолиятини, шу жумладан, суд кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимларга тавсия этиш тизимини янада такомиллаштиришга, суд органлари ходимлари учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайлов бўйича сайлов қонунчилиги ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва улардаги партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, шунингдек, чет элдан инвестициялар жалб этилиши ва мамлакатда инвестиция муҳитини янада рағбатлантириш, Ўзбекистон ҳудудидан чет эллик инвесторлар фаолияти учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этилганидек, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган гоят муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ролини янада кучайтиришни, аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишни назарда тутди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўн сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий принциплари ва қоидаларини ифодалайдиган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шартнома Қозоғистон Республикаси Президентини Нурсултон Назарбаевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи вақтида 2013 йил 14 июнь куни икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги транспорт касб-хунаро коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур бинонинг бунёд этилишида тумандаги «Қурилишхизмат» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 2 миллиард 933 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Замонавий ўқув қуроллари ва кўргазмалар воситалар билан жиҳозланган мазкур таълим масканда ўқувчилар 5 йўналиш бўйича чуқур билим олиши, ўзи танлаган касб сирларини пухта ўзлаштириши учун барча қулайлик яратилган.

• Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Ховос қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қошида «Қишлоққурилишбанк»нинг Янгиер филиали томонидан ажратилган 280 миллион сўмлик кредит асосида янги цехнинг очилиши муҳим аҳамият касб этди. Аини пайтда цехда бир кунда 8 тонна дондорланган ва аралашма ем ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, бу ерда ховослик 17 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

• Термиз шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 74 ташкилот, корхона, муассаса ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар 417 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни ўттиздан ортиқ киши ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

• Музработ ижтимоий-иқтисодий касб-хунаро коллежида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчилар иштирокида бўлиб ўтган семинарда битирувчиларга бу борада яратилган кенг имконият ва имтиёзлар тушунтирилди. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, тижорат банкларидан кредит олиш тартиб-таомиллари тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди.

• Обод турмуш йилида яна бир хайрли ишга қўл урилиб, Бойсунда замонавий янги «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. Бунинг учун давлат бюджетидан бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

## ЖАҲОНДА

• Чилида президент сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Жами 99,96 фоиз овозлар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг, мамлакатнинг собиқ президенти Мишель Бачелет 62,16 фоиз овоз олгани ҳолда барча рақибларидан ўзига кетди ва давлат раҳбари сифатида навбатдаги муддатга сайланди.

• Перу пойтахти Лима шаҳри марказида жойлашган автомобиль филдираклари сақланадиган омборда рўй берган ёнғин натижасида шаҳарнинг бир қисми устида улкан захарли тутун пайдо бўлди. Натижада 14 киши тутундан захарланиб касалхоналарга ётқизилди.

• АҚШда 3D тасвирини махсус кўзойнаксиз томоша қилиш имкони яратилган янги телевизор ихтиро қилинди. Лос-Анжелес шаҳрида Dolby Laboratories компанияси томонидан ушбу янги русумдаги телевизорнинг тақдими ўтказилди.

## 2014 йил — Соғлом бола йили

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда**

Давлатимиз раҳбарининг Конституция байрамига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси барча юртдошларимиз қатъи бис, маҳалла фаолларини ҳам беҳад руҳлантириб юборди. Президентимиз томонидан 2014 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган, шу муносабат билан аёлни, оилани, маҳаллани эъзозлаш ва макomini янада юксалтириш юзасидан баён қилган қўллаб қимматли фикрлари барчамизнинг қўнғилимиздаги гап бўлди. Аини пайтда маърузада билдирилган фикрлар ўз ҳаётини маҳалла фаолияти билан боғлаган фаоллар зиммасига янгидан-янги вазифалар юклайди.

Оилани, фарзандни азиз билиш, унинг қароғбони бўлиш аёлни эъзозлаш, унга алоҳида ҳурмат ва эҳти-

ром кўрсатиш халқимизнинг азалий эзгу фазилатларидан. Истиқлол йилларида ушбу қадриятни янги-ча маъно-мазмун билан бойиди. Ойла, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш, фарзандларимизни жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол инсонлар этиб камолга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Бу йўналишдаги ишлар қизларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишга оид эзгу сый-ҳаракатлар билан уйғун тарзда олиб борилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Негаки, қизлар бўлгуси оналар, оила бекаларидир.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги Абдулла Қодирий номли мада-

ният ва истироҳат боғида болажонлар учун «Семурғ» болалар томошагоҳи очилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот тех-

нологиялари касб-хунаро коллежида «Буюк юртнинг азиз фарзанди» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Жарбулоқ» маҳалласида «Ватан келажаги сенинг қўлингда» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



## 2014 йил — Соғлом бола йили



Уза олган суратлар

## СОҒЛОМ БОЛА, СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК!

Мустақил тараққиёт йиллари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила манфаатлари ва баркамол авлодни воқифа етказиш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган. Конституциямизнинг 45-моддасида «Воёта етмаганлар, меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб мустақамлаб қўйилган. Ана шу конституциявий норманинг ҳаётдаги ифодаси ўлароқ, Ўзбекистонда иқтисодий адолатга асосланган кучли иқтисодий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва асосий тамойилига айланган. Шу муносабат билан Юрбошимиз халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, ёш авлоднинг манфаатлари таъминлашнинг кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустақамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта қўриб чиқиш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифасини қўйди.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов таълими билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларимизнинг янада тақомилга етишига замин яратиши шубҳасиз. Қуни кеча, 6 декабр кўни, Юрбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган маърузасида таъкидланганларидек, «Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истади. Шундай фарзандни воёта етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улғун, энг муқаддас орузси, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этаемиз».

Мамлакатимизда қадимдан ёш авлодни жисмонан баркамол, маънан етук, ерқўблатли инсонлар қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллаб келган.

Айтиш мумкинки, бу борада қабул қилинган норматив ҳужжатлар оила манфаатларига, жамият тараққиётига хизмат қилмоқда. Хусусан, 1998 йилда Оила кодекси қабул қилиниб, унда оилани мустақамлаш, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчилик билан аралашганига йўл қўмас-

лик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оила муносабатларини тартибга солувчи ва ФХДЭ органлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қайта қўриб чиқилди. Оила кодексида илк бор никоҳ шартномаси институтини, никоҳланувчи шартнома тиббий қўриқдан ўтказиш каби муҳим қондалар акс этди. Оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари доимий равишда тақомиллаштирилиб боришмоқда.

Кейинги йилларда ФХДЭ органлари фаолиятини ривожлантириш мақсадига «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайта еттиш қондалари», «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома» ва бошқа меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди.

Истиқлол йилларида миллат генотипини соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, 2003 йил 25 августда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ҳақидаги норматив ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг замирида оилани мустақамлаш, жамиятда она ва бола саломатлиги учун махсус шартот, ахлоқий норма ва қондаларни шакллантириш сингари эзгу мақсадлар мўлжалланди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ҳам ана шундай мақсадлар кўзда тутилган ва уни ҳаётга жорий этишга жойлардаги давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда ҳўқуқчи муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарбиёт маркази, банклар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» маркази ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар масъул этиб белгиланган.

Мамлакатимиздаги бу каби қонун ҳужжатларида оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, ёш авлодда Ватанга ва оилага садоқат, жамият олдига жавобгарлик ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларни қўришда, аввало, оилани мустақ-

камлаш, оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш, воёта етмаган болалар ва меҳнатта лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашнинг устунилиги назарда тутилган. Чунки оиланинг бузилиши сабабини қандай изоҳламайлик, кимдир айбламайлик, жабрини бегуноҳ болалар тортида ва бундан жамият зарар қўради. Ана шундай оилаларни сақлаб қолиш мақсадида ФХДЭ органлари ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Ушбу тадбирлар натижасида тиббий қўриқдан ўтказиш каби муҳим қондалар акс этди. Оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тўғри бўлмоқда.

Шубҳасиз, ёшларнинг никоҳга маънавий тайёргарлик даражаси оила мустақамлигининг муҳим гарови ҳисобланади. Ёшларни оилага тайёрлашда Адлия вазирлиги томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада бир неча йилдан бери ФХДЭ органлари томонидан касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари иштирокида «Ёш оила қўрувчилар» мактаби интерактив усулларга таянган ҳолда ўқазилётганини мисол қилиб келтирсак бўлади.

Шунингдек, барча ФХДЭ органлари ҳўзурда ташкил этилган «Оила дорлуфунини» ўқув машғулотларида никоҳланувчи шахслар жалб этилиб, улар билан урғуларда ўқазиб келинмоқда. Мазкур урғуларда эр-хотиннинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари, оилани иқтисодий асослари, репродуктив саломатлиги ва соғлом авлодни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича «Ёш авлод маънан бий оилада тарбияланади», «Ёш оилада репродуктив маданият ва она саломатлиги», «Она бўлиш одоби ва маданияти», «Фарзандни ногирон бўлмасдан десаңиз», «Оила — қўш ус-тунли айвон» каби бир қатор мавзуларда суҳбатлар ўтказилиб, зарурий маълумотлар жамланган буклет ва брошюлар тарқатилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва тарқатилаштириш бўйича энг тўғри қадам қабул қилинадиган қонунларда бугунги ва эртанги кўнимиз талаблари акс эттиши, амалдаги қонун ҳужжатларига эътибор ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш, бу масалага жамият эътиборини қўйиштириш зарур. Дарҳақиқат шундай.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустақамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар ётади. Ана шундай эзгу мақсадлар ушаладиган маскан эса, шубҳасиз — оила. Шундай экан, уни асраб-авайлаш барчамизнинг энг асосий бурчимиздир.

Озода АБДУАЗИЗОВА,  
Шайхонтоҳур тумани  
ФХДЭ бўлими мудири  
(«Туркистон-пресс»)

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб она ва бола скрининги, перинатал марказлари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари барпо этилгани ва бугун самарали фаолият юритаётгани турли ирсий ва туғма касалликлар аломатларини барвақт аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш, болаликдан ногиронлиқнинг олдини олиш, оилавий ажримлар сонини камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини тиклаш билан бирга, тиббий маданиятни юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустақам қарор топтириш тарғиб этувчи ўзига хос марказларга айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилнинг ҳалқимизнинг эзгу орзу-интилишларига монанд тарзда муайян ном билан аталаётгани иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳаларни жадал раванқ топтириш, бу йўналишдаги долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, истиқболдаги режаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йиллар билан ўзаро узвийлик барча соҳалар қатори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни изчил ва тизимли тарзда амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Бунининг 6 минг 800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган фуқаролар йилгисинида маънавий, тарбиявий масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани мисолида ҳам қўриш мумкин. Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида жамиятимиздаги иқтисодий барқарорлиқни асраб-авайлаш, миллатлар, диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат, баргикенглик муҳитини мустақамлаш, ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, бандлик масалаларига оид амалий ишлар ихросини таъминлашда маҳалланинг иштироки ва масъулияти тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз ўз маърузасида соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оила меъаси эканига алоҳида эътибор қаратдилар. Дарҳақиқат, маҳаллада олиб бориладиган ишлар, хусусан, фуқаролар йилгисини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти бевоқифа оилалар билан боғлиқлигини назарда тутсақ, давлатимиз раҳбари томонидан уларни рағбатлантиришга қаратилаётган доимий ва юксак эътибор нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Маҳалламиз ҳудудидagi 14-оилавий поликлиника билан узвий ҳамкорлиқнинг йўлга қўйилгани ёшларни турмушга тайёрлаш, хотин-қизлар, айниқса, қизлар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, зарур ҳолларда уларга тиббий маслаҳат, даволлаш муолажаларини қўрсатишга хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариночлар ўртасидаги никоҳланувчи олддини олиш, тўйларни ортиқча ҳашамсиз, ихчам тарзда ўтказиш, оилавий қелишмовчиликлар, ажримларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги натижасида, маҳалламиз ҳудудидagi мактабдаги таълим-тарбия жараёни жамоатчилик назоратида олинган. Бу эса ўқувчиларнинг давоматини мунтазам таҳсил этиш, турли фан, бадиий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги ишлари янада жонлан-тириш, юқори синф ўқувчиларини академик лицей ва коллежларга тўлиқ қамраб олиш, болалар спортини янада ривожлантириш, имконини беришмоқда. Шундай ҳамкорлик натижасида маҳалла ҳудудидagi ташкил этилган спортнинг миллий кураш тури тўғрисида 200 нафардан ортиқ бола қамраб олинган. Бу каби ишлар самарасида маҳалламизда ҳўқуқбузарлик, оилавий ажримлар, қизларнинг эрта турмушга узатилиши каби ҳўлатлар сўнгги йилларда қайта этилмайпти.

Фарзандини соғлом, оиласини тўқис, файзу баракали қўриш ҳар бир она қалбидagi энг эзгу тилакдир. Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган тур ўзгаришлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мўлжалланди ҳам ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб воёта етказиш, аёлларни улғулаш йўлидаги меҳр ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Иноят АБДУСОАТОВА,  
Тошкент шаҳар, Олмазор  
туманидаги «Эски шаҳар»  
маҳалла фуқаролар йилгисининг  
диний маърифат ва маънавий-ахлоқий  
тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,  
«Эл-юрт хўрмати» ордени соҳибаси  
(УЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Муҳома вақтида таъкидланганидек, Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи вақтида 2013 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳрида икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган мазкур Шартнома Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстона алоқалар, стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада мустақамлашга қаратилган, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий, транспорт, энергетика, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини, уларни рўйбга чиқариш механизмларини белгилаб беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённомани (Минск, 2013 йил 31 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни қўриб чиқдилар.

Муҳома қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кўнлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун қўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни янада оширишнинг қудратли омилга айланган.

Қўн тартибидagi масалаларни муҳома қилиш вақтида сенаторлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг норматив-ҳўқуқий асосларини тақомиллаштиришнинг, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ун замон талабига қўра янги қонунлар қабул қилинишининг, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини, фаол иқтимоий шериклиги таъминлашнинг, молиявий-иқтисодий ва суд-ҳўқуқ тизимларининг асосларини мустақамлашнинг алоҳида аҳамияти ағалигини яқдиллик билан таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар ва қабул қилинган қарорлар давлат раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йилгисига бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган берилган, демократик ислохотларни янада қўқулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
матбуот хизмати

## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш тизимини сифат ва мазмун жиҳатдан тобора юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида мазкур қарор ихроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бераётган самараларни янада оширишга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Давлат ташт маркази мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик коргус вакиллари иштирок этиди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг юксак маънавият, билим ва тафаккур соҳиб бўлиб воёта етиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайта этилган қарори ихроси юзасидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида хорижий экпертлар билан ҳамкорликда чет тиллар бўйича узлуқсиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини тақомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрларининг етакчи олимлари, хорижий мутахассислар иштирокида инглиз, немис, француз, испан тиллари бўйича дарсликлар яратишга оид муаллифлар гуруҳи шакллантирилиб, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Талабалар учун инглиз тили бўйича дарсликлар янгича шакл ва мазмунда, замонавий аудио-видео материаллари билан ишлаб чиқилмоқда. Академик лицей ва касб-ҳўнар коллежлари, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичи учун тақомиллаштирилган дарсликлар яратилди. Мазкур университет ҳамда 18 турдош олий ўқув юртининг экспериментал гуруҳларида инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича изчил ишлар бажаришмоқда.

Шунингдек, инглиз, немис, француз ва испан тиллари бўйича тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилиб, таълим тизимининг барча бўлиmlари учун мураббийлар тайёрланди. Йилгилида хорижий тилларни ўқитишнинг илгор усул ва технологияларини амалиётга жорий этишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Назозат УСМОНОВА,  
УЗА муҳбири

Тошкент шаҳрида уй-жой фондини талаб даражасида сақлаш шу кўннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Хўсусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуни муҳим ўрин тутди. Мазкур қонун асосида коммунал соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу йўналишда амалга оширилган энг йирик тадбирлардан бири жойларда хўсусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тўзилиши бўлди.

қарув компанияси» қўриқ-танловларининг туман ҳамда шаҳар босқичлари ўтказилди.

Ушбу сазй-ҳаракатлар ва ҳамкорлик туфайли айна пайтда шаҳримиздаги юзга яқин маҳаллар ҳар томонлама қўркам намунали маҳалла макомига эга бўлди.

Шунингдек, шаҳар Кенгаши томонидан жойларда тўпланган ҳўжалик ва маийий қичқилларни ўз вақтида олиб кетиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга татбиқ этилмоқда. Бу масалага умумий назар таш-

Депутат: бурч ва масъулият

## КОММУНАЛ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

лайдиган бўлсақ, шаҳар коммунал ҳўжалиги соҳасининг жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда анча жонланганини қўрамиз.

Халқимизда «Ернинг ободлиги эл билан» деган аҳойиб нақл бор. Доно халқимизнинг ушбу сўзларида теран маъно мўлжалланди. Шаҳримизнинг тоза, обод ва қўркамлигига ҳаммамиз ҳавас қиламиз. Шундай экан, азиз шаҳримизни янада тоза ва озода тутиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Тўрисиини айтиш керак, шаҳар коммунал ҳўжалиги энгил соҳа эмас. Соҳа ходимлари йил-ўн икки ой тиним билмай корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли хизматиде бўлади. Табиийки, бу ўринда қўлга қиритилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб туради.

Фуқароларнинг шаҳар Кенгаши депутатларига топширган ариза ва шикоятлари таҳлил этилганда, уларнинг қўли бевоқифа коммунал соҳага, жумладан жойлардаги ширкатлар фаолиятига оид бўлиб чиқмоқда. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Баъзи ширкатларда соҳадан йироқ бўлган кишилар фаолият қўрсатмоқда. Натижада ўз зиммасидаги вазифани уддалай олмадик, аҳоли истиқомат қиладиган

қўп қаватли турар жой биноларини номигагина тасарруфга олиб, унга қарамаслик, атроф ҳудудда тегишли ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларини олиб бормаслик, фуқароларнинг ҳақли талабларини қўриб чиқмаслик ҳамда маблагларни мақсадсиз сарфлаш ҳўлатлари учрайди.

Бу каби салбий ҳўлатлар юзасидан шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли билан ҳамкорликда зарурий чораларни қўрмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда ўз вазифасини талаб даражасида бажармаган қатор ширкатлар раислари янгиланди.

Мана, юртимизга қиш мавсуми ҳам кириб келди. Ҳар фаслнинг ўз таровати ва заъки бор. Шу билан бир қатор қиш мавсуми коммунал ҳўжалиги мутаасадликлари учун бир имтихон ҳамдир. Салкам тўққиз ой давомида олиб борилган кенг қамровли тайёргарлик ишлари ўз самарасини бериши табиий.

Ўз ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, аҳоли томонидан коммунал хизматлардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш шу кўннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади» деган гап бор. Узлуқсиз етказиб берилаётган газ, ичимлик суви, иссиқ сув ва электр қуввати қадрини билишимиз, унинг орасида катта меҳнат турганлигини тўғри англаб етишимиз лозим. Коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бориш одати эса кенг қўламли тўсга эга бўлиши керак.

Бу борада ҳар бир маҳаллада очик мулоқотлар ўтказиш, қўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган уй эгалари орасида олиб борилаётган кенг тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг тақлиф ва истакларини инобатга олган ҳолда, коммунал соҳага оид муҳим масалаларнинг мақбул ечимини жойида ҳал этиш мақсада мувофиқдир. Бу фаровон ҳаётимизнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Отабек ЖИЯНБАЕВ,  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши  
депутати



## Фестиваллар

САҲНАДА — МАРДИ  
МАЙДОНЛАР

Шаҳримиздаги «Туркистон» саройида ёшлар ўртасида жонли ижродаги эстрада кўшиқчилиги санъатини ривожлантиришга бағишланган яна бир муҳим тадбир ташкил этилди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш, шу орқали эстрада-нинг анъанавий ижрочилиги ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш иқтидорларни излаб топиш, уларни кенг жамоатчиликка танитиш ва малакасини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда катта саҳналарда ўз санъатини намоиш этишига йўл очиб бериш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда «Марди майдон!» — жонли ижродаги кўшиқлар фестивалини ташкил этишди.

Фестивални Азамат Ҳайдаров очиб берди. Сўнг ширали овоз соҳиблари ака-ука Мўминовлар, Гулсанам Мамазоитова, Абдурашид Йўлдошевларга эсдалик совғалари топширилди. Сардор Бекимадов, Гулсанам Мамазоитова ва бир неча ёш санъаткорлар ўзларининг жозибали чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этишди.

Саид ЮНУСОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

## Анжуманлар

## МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

Маънавият ақл сарчашмаси, онг ва тафаккур манбандир. Инсон қалбидаги энг теран фикрлар, яхшиликка ундовчи эзгу ишлар маънавият гултожи ҳисобланади.

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида ўтказилган «Маънавият кўни» доирасида тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди. «Миллий маънавиятимиз ривожиди Абдулла Қаҳҳор адабий меросининг ўрни» ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат сиёсий тизимидаги кўппартиявийликнинг ҳуқуқий пойдевори мавзуларидаги давра суҳбатида талабалар, ўқитувчилар ва соҳа вакиллари қатнашди.

— Бугунги ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли ва солиҳ инсонлар бўлиб етишишида маънавият тушунчасининг кенглиги биринчи ўринда туради, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Ботир Зокиров. — Маънавияти кенг ёшлар ҳаётга теран назар билан боқадилар. Аслида миллий менталитетимиз негизда тўғрилиқ, самимийлик, меҳрибонлик, ишонувчанлик,

бағрикенглик каби туйғулар мужассам. Ўзбек халқи ўзининг маънавияти ва маданияти билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Институтиимиз миқёсида ўтказилган ҳар қандай тадбир замирида ҳам маънавият тушунчаси биринчи ўринда туради. «Маънавият кўни» доирасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар талабаларнинг ақл, идрокини мустаҳкамлашга, Ватани янада севишга, эл-юрт раънақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга, урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида қарашга қўлайди.

Шунингдек, тадбирда партияларнинг бугунги кундаги ўрни, улар томонидан амалга оширилаётган долзарб вазифалар, Конституцияимизнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида сўз борди.

Мулоҳаза, мунозара, кизгин фикрларга бой тарзда ўтган тадбир барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Оила ва оилавий муносабатларнинг инсоннинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришидаги роли кўпчиликка маълум. Лекин бу масалада кўпчиликнинг эътиборидан четда қолаётган, оила қуришда кам ҳисобга олинаётган ва оқибатда соғлиғимизга жиддий зиён етказиб қолган бир масала ҳам борки, булар ҳақида очик ва ошқора сўзлаш, тўғри йўлни аниқлаш зарур.

Оилани тўғри ташкил этиш масаласи бу — келгуси авлоднинг қандай бўлиши, уларнинг соғлиғи ва улардан ҳам кейинги авлодлар саломатлиги ҳамда иқтидорини таъминлайдиган наслар қолдириш масаласи билан боғлиқ.

Келгуси авлодлар саломатлигига асос яратиш учун соғлом болалар туғилишини таъминлаш керак.

Қадимги пайтларда ўрта Осиё ҳудудида кизларни деярли 14-15 ёшида турмушга бериб юборишар эди. Оқибатда носоғлом болалар туғилар, эрта турмушга чиққан кизлар кўпинча дардга чалиниб қолар эдилар. Қиз болалар ҳатто 16-17 ёшга тулганларида ҳам она бўлиш, ҳомиланинг ривожланиши ва соғлом бола туғилиши учун шароит вужудга келмаган бўлади.

Тиббий маълумотларга кўра йигит ва кизлар деярли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай қамолотга етадилар, лекин шунинг таъкидлаш жоизки, кизларнинг 20-22 ёшда, йигитларнинг 23-25 ёшларда турмуш қурганликлари маъқул.

Никоҳ аввало фарзанд кўришдек мураккаб физиологик жараёнлар билан алоқадор бўлганлиги сабабли, жуда эрта турмуш қуриш кўпинча пуштсизликка, боланинг ой-кўни етмай туғилишига ва ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Соғлом турмушни издан чиқарадиган, ирсий касалликларига сабабчи бўладиган салбий урф-одатлардан бири — қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ.

Қариндошлик қанча яқин бўлса (тоғавачча, холавачча, аммаваччалар) туғма ирсий касалликлар пайдо бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Тиббий жиҳатдан, қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланганлигига қарамадсан кўпинча аҳоли ўртасида бу ҳолатнинг давом этиб келаётганлиги жуда ҳам ачинарлидир. Чақалоқларнинг ирсий касаллик билан, болаларнинг ҳар хил нуқсонлар билан туғилаётганли-

ги, аёл ва эркекларнинг бепуштлиги, бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимнинг бир қисми ирсий омиллар билан боғлиқлигига бефарқ қараб бўлмайди. Боланинг туғма нуқсон билан дунёга келиши ота-она, оила, қолаверса жамият учун катта фожиадир.

— Эрта оила қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик;  
— Тиббий қўриқдан ўз вақтида ўтиш;  
— Тиббий қўриқ вақтида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш;  
— Фарзандлар оралиғидаги фарқ камида 2-3 йилни ташкил этиш;  
— Болани қўрак сuti билан (дастлаб 2 йил давомида) эмизиш ва х.к ҳолларда соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади.

Оилада фарзанднинг дунёга келишини ота-она интизорлик билан кутиди. Хонадонда қақалоқ овозининг янграши оилага чексиз қувонч келтиради. Бироқ, қон-қариндош ўртасидаги никоҳ туғайли зурриётнинг туғма ирсий нуқсонлар билан дунёга келиши оила учун қанчалик дахшатли фожиага айланишини тасаввур қилиш қийин бўлмас керак. Шундай экан фарзандларнинг соғлом туғилиши, ақлан баркамол, жисмоний бақувват бўлиб вояга етишини истасангиз қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳларга йўл қўйманг.

Раҳима ЧўЛПАНОВА,  
Саломатлик ва тиббий статистика институти  
Тошкент шаҳар филиали ташкилий-услубий бўлими бошлиғи

Мамлакатимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, хушманзара табиати ва туризм инфратузилмаси ҳақидаги реклама ролиги 12 декабрдан бошлаб «Euronews» телеканалда намоиш қилина бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ  
«EURONEWS» ТЕЛЕКАНАЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда туризм соҳаси жадал ривожланмоқда. Юртимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон компаниялари дунёнинг қўллаб-қувватланган ўтказиладиган халқаро туризм кўргазмалари, ярмарка ва фестивалларда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг намоиш қилиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида 12 декабрдан бошлаб «Euronews» телеканалда юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, хушманзара табиати ва туризм инфратузилмаси ҳақидаги реклама ролиги намоиш қилина бошланди. Бу телеканал катта аудиторияга эга бўлиб, унинг дастур-

лари жаҳоннинг 155 мамлакатига 12 тилда узатилади.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, реклама ролиги доирасида Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихий марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарлар ҳақида лавҳалар узатиш кўзда тутилган. Ролик «Euronews» телеканали ва Австриянинг «RocketMediaCommunications» компанияси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Ушбу реклама дунё жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништиришга, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,  
ЎзА муҳбири

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Журналистика — ижодий фан» Республика таълимининг якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ ТАНЛОВ  
СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» дастурамалар ҳужжатида журналистика соҳасига бўлган эътиборнинг юксак эканлиги ҳам ўз аксини топиб, шу билан бирга у оммавий ахборот воситалари ва миллий журналистика ривожланишида янги босқични бошлаб берганлиги билан аҳамиятлidir. Ушбу концепцияда ахборот соҳаси ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш ва жаҳон ахборот майдонидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур концепцияда кўзда тутилганидек, журналистика соҳасида олиб борилаётган ишлар, жумладан, илмий изланишлар, соҳани юксалтиришга қаратилган тадқиқотлар ҳамда маҳорат мактабларига эътибор берган ҳолда танлов жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 январдаги «2013 йилда журналистларнинг фуқаролик масъулиятини оширишга йўналтирилган ижодий танловларни ўтказиш режа-жадвали» доирасида «Журналистика — ижодий фан» танлови ташкил этилди.

— Шиддат билан ўзгариб бораётган бу даврни оммавий ахборот воситалари ходимларисиз тасаввур этиш қийин, — дейди Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси, мазкур танловнинг ташкилий қўмитаси раиси Ғайрат Баҳодиров. — Соҳа вакилларининг фаолиятига назар ташласак, бу борада қўллаб-қувватлаш имкониятлари олиб борилаётганини кўрамиз. Хусусан, шу кунга қадар мамлакатимизда умумий кўрсаткичлар бўйича олти нафар фан доктори, 29 нафар фан номзоди чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шундай экан, ушбу соҳа ва унинг ходимларига эътибор қаратиш ва маънавий рағбатлантириш миллий журналистикамизнинг ривожига туртки беради.

Илк бор ўтказилган мазкур тадбир журналистика ва ахборот соҳаларининг илмий асосларини янада такомиллаштириш, соҳа кадрларининг малакаси ва маҳоратини оширишга қўмаклашишни ўз олдига мақсад қилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур танлов учун журналистика ва ахборот соҳаларида 2012-2013 йилларда нашр этилган илмий асарлар, ўқув-услубий адабиётлар, илмий-таҳлилий мақолалар, магистрлик диссертациялари қабул қилинган.

Тадбир давомида журналистика соҳасида фаолият юритаётган етакчи мутахассислар, экспертлар томонидан учта номинация бўйича танлов ғолиблари аниқланганлиги маълум қилинди ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Зиёда ОРТИКОВА,  
ЎЗДЖТУ талабаси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 14 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сергели туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2013 йил 7 октябрь кунги 1-693-13-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйилқ 5 мавзеси, «Халқобод» маҳалласи, «Толарик» канали бўйида жойлашган, умумий фойдали майдони 107 кв.м. бўлган, 1-қаватли, «Болалар спорт майдончаси ва савдо шохобчалари». Бошланғич нархи — 154 800 000 сўм.

2. Яккасарой туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 26 ноябрь кунги 10-1308/6040-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ракат (аввалги Ш.Абдуллаев) кўчаси, 57-уйда жойлашган, умумий ер майдони 584 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 668 кв.м., хоналар сони 22 та бўлган, 1 ва 2-қаватли бинолар. Бошланғич нархи — 481 250 000 сўм.

2013 йил 30 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 кв.м. бўлган, 5 та хонадан иборат пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 1 900 129 000 сўм.

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, 1-тор М.Жалил кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 322 729 000 сўм.

6. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 185 948 000 сўм.

7. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, 1-тор Мирҳосилбой кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 315 873 000 сўм.

8. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 353 568 000 сўм.

9. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Шалола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 202 844 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокчида бевоқифа жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларида ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлашга тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақдоран «UVT-INSHURANS» СК МЧЖ иштирокчиларининг 05.09.2013 йилдаги 8-сонли йиғилиш қарорига ва «UVT-INSHURANS» СК МЧЖнинг 12.12.2013 йилдаги 2013/12-608-сонли бюртманомасига асосан қорхонага тегишли, Қашқадарё вилояти, Қамши шаҳри, Алломши кўчаси, 24-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Mercedes Benz-1838 LSA» русумли д/р 01/495JCA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKH 24P» русумли, д/р 01/3500AA бўлган, 1993 йил и/ч ярим тиркачаси. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

2. «Mercedes Benz-1838 LS» русумли д/р 01/493JCA бўлган, 1996 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKH 24P» русумли, д/р 01/3499AA бўлган, 1996 йил и/ч ярим тиркачаси. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

3. «Mercedes Benz-1838 LS» русумли д/р 01/492JCA бўлган, 1996 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKH 24P» русумли, д/р 01/3498AA бўлган, 1993 йил и/ч ярим тиркачаси. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

4. «Mercedes Benz-1838 LS» русумли д/р 01/496JCA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKH 24P» русумли, д/р 01/3501AA бўлган, 1993 йил и/ч ярим тиркачаси. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь кунини соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2013 йил 17 январь кунини соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олдин сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гувоҳнома №006231.

## Долзарб мавзу

## ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛМАНГ!

лардан бири — қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ. Қариндошлик қанча яқин бўлса (тоғавачча, холавачча, аммаваччалар) туғма ирсий касалликлар пайдо бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Тиббий жиҳатдан, қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланганлигига қарамадсан кўпинча аҳоли ўртасида бу ҳолатнинг давом этиб келаётганлиги жуда ҳам ачинарлидир.

Чақалоқларнинг ирсий касаллик билан, болаларнинг ҳар хил нуқсонлар билан туғилаётганли-



**Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди, деган эди табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино. Чиндан ҳам бутунги кунга келиб, табиатнинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўладиган омиллар кўпайиб, натижада бу инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.**

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Айрим ҳолларда биз катталарнинг эътиборсизлигимиз туфайли ҳам табиатга зарар етиб қолмоқда. Фарзандларимизга ёшлигидан ахлоқ-одобни ўргатгандек, улар кўнглида табиатни севишга, ўзи яшаб турган ҳовлидан, кўча, маҳалланинг бебаҳо гўёлари, дов-дархатларини асрашга ҳавас уйғотсак, уларни кўз қорачиқидек асрашга ўргата олсак ёшларимиздан ҳеч қачон худбин, баргитовлар етишиб чиқмайди.

Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактабиде «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ЭКОСАН Халқаро жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг ҳамкорлик режасига асосан «Ўзбекистон Конституцияси ва экология» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган олимлар ҳозирги кундаги атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлаётган омиллар, жумладан, ичимлик сувининг камийиб кетаётгани, транспорт воситаларининг кўпайиши натижасида ҳам табиат янада ифлосланиб, инсон соғлигига салбий таъсир этаётганлиги ҳақида тўхталдилар. ЭКОСАН халқаро жамоат фонди томонидан мактабнинг «Экология бурчаги» учун адабиёт ва плакатлар берилди, экология бўйича расм ва шеърлар танловида иштирок этиб, голиб бўлган рағбатлангилар. Тадбир сўнггида «Нихол» ёш қаламкашлар тўғрисида аъзолари ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Мактаб ўқувчилари «Анъанага кўра бир туп кўчат экамиз» деган ташаббус билан чиқдилар.

Гулчехра КАРИМОВА

## Кўргазмалар

### ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

**Маълумки, фотография — энг оммавий санъат тури ҳисобланади ва тарбиявий ишмида катта имкониятларга эга.**

Фоторассом танлаган мавзунинг ҳаётдан олади. Ҳаётда эса чексиз ҳажмда материал бор. Ижодкор бу ишдан муваффақият қозониш учун ҳаётни кузатиши, ўз устида тинимсиз ишлаши керак. Бу санъатнинг замон талаблари даражасида самарали бўлиши эса уни халққа етказишнинг шакли ва усуллари ҳам боғлиқ. Буни биз кўни кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётини ифодалаб берувчи «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» мавзусида очилган фотокўргазма ва унинг тадбирларида ҳам кўришимиз мумкин.

Кўргазманинг очилиш маросимида фоторассомлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва турли касбдаги ихлосмандлар қатнашди. Бир неча залга қўйилган экспозицияларда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, Республиканинг таниқли фоторассом ва фотожурналистлари, Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги ижодий фотография мактаб-студиясида ўқиганларнинг 200 га яқин фотосуратларидан намуналар қўйилган. Уларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимиздаги шаҳар ва қишлоқлар кўринишлари, табиат манзаралари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, Ватан ҳимоячилари, йил фасллари, кеча-кундузнинг турли кўринишлари, айниқса доим ҳаракатдаги ёшлар, беғубор



кувнок болалар, замондошлар, гуллар, иншоотлар, спорт ўйинлари, байрамлар, кўчалар, одамлар мулоқоти ва ҳайвонот дунёси акс этган.

Фотосуратлар ёнида давра суҳбатлари, мулоқотлар бўлиб ўтди. Шунингдек керакки, бу ерга келган санъат ихлосмандлари қатор фотосуратларда ёрқин ва жарангдор, руҳли, лирикани, ҳаёт фалсафасини ва унинг завқли томонларини, миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодаланганлигини, байрамона кайфиятни кўради, ҳис қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**  
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа  
Алексей Попов олган сурат

## Спорт янгиликлари

### СПОРТГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР САМАРАСИ

**Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида тўққизинчи шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика фестивали бўлиб ўтди.**

Маълумки, бир неча йиллардан буён Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази томонидан ўтказиб келинаётган фестиваль давомида кўплаб иқтидорли спортчилар кашф этилмоқда. Анъанага мувофиқ бу йил ҳам энг яхшилар аниқланди. Жумладан, қўл жанги бўйича жаҳон чемпиони Одижон Сирожиқдинов ва каратэ бўйича Осиё чемпиони Барно Мирзаевалар йилнинг энг яхши спортчилари деб топилган бўлсалар, Нишонбой Хайдаров йилнинг энг матонатли спортчиси, Умид Аҳмедов энг яхши мураббий, Тоҳир Эргашев эса шарқ яккакурашлари фахрийси деб эътироф этилди. Ўзбек жанг санъати федерацияси энг яхши федерация, дюздо бўйича бўлиб ўтган гран-при турнири йил воқеаси, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси аъзоси Баҳодир Ҳасанов энг яхши тадбир ташкилотчиси номи-

нациялари голибларига айланишди. Шунингдек, тадбирда Фазлиддин Сатторов спорт мусобақаларини мунтазам ёритиб келган энг яхши журналист сифатида тан олинди.

— Тўққизинчи шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика фестивалида йил спортчиси деб топилишини очиги кутмаган эдим, — дейди қўл жанги бўйича жаҳон чемпиони Одижон Сирожиқдинов. — Бу муваффақиятларимиз мамлакатимизда спортта берилаётган эътибор самараси деб биламан ва келгусида бизга билдирилаётган ишончини оқлашга, юртимиз байроғини янада кўкларга кўтариш учун ҳаракат қиламан.

Фестивалда иштирок этган каратэ, у-шу, ўзбек жанг санъати, кендо усталарининг кўргазмалари чиқишлари спорт ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

**Малайзияда оғир атлетика бўйича фахрийлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.**

### ФАХРИЙЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Турли вазн тоифаларида кўпгамизнинг кўпгина мамлакатларидан келган оғир атлетикчилар қатори юртимиз спортчилари ҳам ушбу турнирда муваффақиятли иштирок этишди. Қувонарлиси, ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиз Рашид Нажмидинов ҳамда Арсен Раҳматов мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этиб, кумуш ва бронза медаллари эгасига айланишди.

**Ўзбекистон Республикаси мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан пойтахтимизда ўқ отиш бўйича уюштирилган мамлакат биринчилиги мусобақалари якунланди.**

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган маҳоратли спортчилар омадларини синаб кўришди. Мусобақанинг пневматик милтиқдан ўқ отиш баҳсларида

### ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ДОНА СУРМОҚДА

**«Ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахмат бўйича ҳар йили «Тошкент қиши» деб номланган турнирни ўтказиш одатий ҳолга айланган.**

Тошкент шаҳридан ҳамда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли ёш шахматчилар ўртасида давом этаётган бу йилги турнирда 56 нафар спортчи голиблик учун дона сурмоқда.

Қизиқарли ва мурасасиз кечаётган мусобақанинг бешинчи туридан кейин беш очкодан жамғарган Алихон Рўзиев ва Сарвиноз Курбонбоева турнир жадвалида юқори поғоналарни эгаллаб туришибди.

## ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан пойтахтимизда ўқ отиш бўйича уюштирилган мамлакат биринчилиги мусобақалари якунланди.**

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган маҳоратли спортчилар омадларини синаб кўришди. Мусобақанинг пневматик милтиқдан ўқ отиш баҳсларида

рида шохсупанинг энг юқори поғонасига Хосила Мамедова кўтарилган бўлса, фахрли 2,3-ўринлар Мария Филимонова ва Елена Кузнецовага насиб этди. Ўқ отиш мусобақасининг 16 метрли масофа-

дан аниқ нишонга олиш беллашувларида яна омад Хосила Мамедовага қўлиб боққан бўлса, Маргарита Орлова ҳамда Мария Филимонова 2,3-ўринларни эгаллашди.

терма жамоасини бош мураббий сифатида бошқарадиган бўлди. Янги бош мураббийнинг зиммасига ушбу терма жамоанинг 2016 йилда Бразилияда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийси Алексей Евстафеев, 16 ёшли ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Темури Олимхўжаев ҳам ўз вазифаларини давом эттиришади. Темури Олимхўжаев ўз шогирдларини Таиландда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида тайёрласа, Евстафеевнинг ҳам Мьянмада ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақият қозониши лозим бўлади.

Келгуси йили футбол бўйича Осиё чемпионати ҳам ташкил этилади. Унга Ўзбекистон футбол терма жамоасини амалдаги бош мураббий Баҳодир Аҳмедов тайёрлайди.

ЎФФ мутасаддилари ишонч билдирган турли ёшдаги терма жамоалар бош мураббийлари ўз шогирдлари билан халқаро турнирларда муҳлис-ларни хушнуд эта олишадими ёки йўқми? Ҳарқалай, буни вақт кўрсатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## ШАРТНОМА МУДДАТЛАРИ УЗАЙТИРИЛДИ

**Ўзбекистон футбол федерациясида жорий йилги мавсум якунлари ҳамда келгуси режалар муҳофазасига бағишланган йилги мажлис бўлиб ўтди. Унда футболимиз мутасаддилари, терма жамоалар мураббийлари иштирок этишди.**

Маълумки, 2015 йилда Австралияда футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли турнирда Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этади. Мухлисларнинг ёдида бўлса, Бразилияда 2014 йили уюштирилган жаҳон чемпионатида саралаш баҳсларида мундиал йўлнамасини қўлга кирита олмаган миллий терма жамоамиз Осиё чемпионати йўлнамасига эга бўлди. Бош мураббий Миржалол Қосимов эса истеъфога чиқишини эълон қилди. Аммо, ЎФФ раҳбарияти йил охиригача унинг истеъфосини қабул

қилмади. Боз устига интернетда Миржалол Қосимов ўрнига миллий терма жамоага хориждан мураббий таклиф этилиши хабар қилинди...

ЎФФнинг йиғилишида Миржалол Қосимов 2015 йилгача миллий терма жамоада бош мураббий бўлиб ишлаши маълум қилинди. Энди Миржалол Қосимов келгуси йилда миллий терма жамоани Осиё чемпионатида тайёрлайди.

Яна бир хабар шундан иборатки, илгари миллий терма жамоада Миржалол Қосимовга яқиндан ёрдам берган Шухрат Мақсудов янги йилдан бошлаб 1993 йилда туғилган Ўзбекистон ёшлар

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Respublika mulk markazi** ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такроран «UZVNESHTRANS» ҚҚ МЧК иштирокчиларининг 04.09.2013 йилдаги йиғилиш қарорига ва «UZVNESHTRANS» ҚҚ МЧКнинг 10.12.2013 йилдаги Ф3-31/66-8018-сонли буюртманомасига асосан қорхонага тегишли, Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Феруза-2 массиви манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Mercedes Benz-1935S» русумли д/р 01/349QAA бўлган, 1994 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Fruehauf IF EPB SA313.7/T» русумли, д/р 01/0008AA бўлган, 1997 йил и/ч (тентли) ярим тиркамаси. Бошлангич баҳоси — 120 000 000 сўм.
2. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/351QAA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0012AA бўлган, 1993 йил и/ч (рефрижератор) ярим тиркамаси. Бошлангич баҳоси — 130 000 000 сўм.
3. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/352QAA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0010AA бўлган, 1993 йил и/ч (тентли) ярим тиркамаси. Бошлангич баҳоси — 120 000 000 сўм.
4. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/349QAA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0011AA бўлган, 1993 йил и/ч (рефрижератор) ярим тиркамаси. Бошлангич баҳоси — 130 000 000 сўм.
5. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/350QAA бўлган, 1993 йил и/ч (седельный тягач) ва унинг «Fruehauf IF EPB SA313.7/T» русумли, д/р 01/0009AA бўлган, 1997 йил и/ч (тентли) ярим тиркамаси. Бошлангич баҳоси — 120 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь кунини соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 17 январь кунини соат 18:00.

Савдо голибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКС «Ипак йўли банки» Сабгон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rmm.uz](http://www.rmm.uz). Гувоҳнома №006231.

**«SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИ** бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 21.06.2013 й. № 725/14 — сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и/ч. «BMW» д.р. 01 Т 669 ДА. Бошлангич баҳоси — 10 606 680 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011 — сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и/ч. «IVECO» д.р. 31 R 1924. Бошлангич баҳоси — 80 340 312,64 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011 — сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и/ч. «HATSAN» д.р. 31 R 2316. Бошлангич баҳоси — 42 311 896,67 сўм. «APK Булок» ТИФ пости худудиде сақланмоқда. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 2-4413 — сонли ижро ҳужжати асосан 2012 й. и/ч. «Матиз» д.р. 01 F 401 ОА. Бошлангич баҳоси — 22 897 845 сўм. «Space Arsenal Service» МЧКда сақланмоқда. 5. Янгийўл тумани СИБ томонидан 04.10.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2010 й. и/ч. «Capiva RLG» д.р. 10 070 КАА. Бошлангич баҳоси — 59 534 971,2 сўм. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қ.ф.й. Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокчида бевосита эйтига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичига бир иш кунини қолдана соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧКнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақами тўлашлари шарт: № 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма нотариат адвокатура ва ФХДЭ органлари бўлимининг масъул ходими Холида Сираждинова Нигматовага турмуш ўртоғи

**Баҳодир НИГМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси 2-клиникаси жамоаси ва касаб уюшмаси клиника бош шифокори Ёркин Каримович Юлдашевга волидаи муҳтарамаси

**САЙРАХОД АНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



ликда эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража совуқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 17 декабрь кунини ҳаво ўзариб туради, кечурун қор ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эртада туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Фарбдан Шарқга йўналишини ўзгартирган шимол секундида 5-10 метр тез-тезликда юради, 17 ва эртада 18 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг тарқалиш кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазга пасайиши тахмин қилишмоқда, тағйирдорли паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сонини 18 декабрда чиқади)

**Тошкент ОКШОМИ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1241

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8513 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ